

**Отамирзаев Олимжон Усубович**, катта ўқитувчи;  
**Зокирова Дилноза Нематиллаевна**, ассистент;  
**Вахобова Сожида Комилжоновна**, ассистент.  
Наманган мұхандислик-педагогика институти  
(Ўзбекистон Республикаси, Наманган шаҳри)

## **ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ИШИНИ ТҮҒРИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БАҲОЛАШ ОРҚАЛИ ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

**Аннотация.** Мақолада талабалар мустақил ишини түғри ташкил этиш ва баҳолаш бўйича тавсиялар ҳамда умумий электротехника фанига доир турли мураккабликдаги мустақил иш топшириқларини тузиш бўйича таклифлар келтирилган.

**Таянч сўзлар:** Талабанинг мустақил иши, мустақил иш топшириқлари, таълим самарадорлиги, маъруза, амалий машғулот, тажриба, ўзлаштириш кўрсаткичи, билим, кўникма, малака.

**Аннотация.** В статье приведена рекомендации по правильной организации и оценки самостоятельной работы студентов и дано конкретные предложение по составлению самостоятельной работы в разных сложностях по предмету электротехника.

**Ключевые слова:** Самостоятельная работа студента, задание по самостоятельной работы, эффективность обучения, лекция, практическое занятие, лаборатория, показатель успеваемости, знание, умения, навыки.

Дунёнинг қаерида бўлманг, барча жойда муайян йўналиш бўйича мустақил изланиш ва ўрганиш учун доимо эҳтиёж мавжуд эканлигига амин бўласиз. Айниқса, техника фанлари борасида мустақил ўрганишнинг аҳамияти кун сайин ортиб бормокда. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида мустақил ўрганиш кенг тарғиб қилинади ва билим олишнинг бундай усули иш жараёни ва қасбий маҳоратнинг мунтазам равишда тақомиллашувига олиб келади. Умуман олганда

мустақил ўрганишнинг аҳамияти жуда катта бўлиб, у иқтисодий равнақ топишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади ва мамлакатнинг жаҳон бозорида янада рақобатбардош бўлишига хизмат қиласди.

Талабаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришда фан ёки мавзунинг мазмuni биринчи ўринда туради. Шунингдек, ўкув материалининг тузилиши ва уни баён этиш услуби ҳам катта аҳамиятга эга. Биз талабаларни фақатгина янги маълумотлар билан таништирмоқчи бўлсақ, тайёр назарий хуносаларни беришнинг ўзи кифоя қиласди [1]. Уларни фақатгина ҳабардор қилиш эмас, балки ўқитиш жараёнида талабалар ижодий қобилиятларини ривожлантириш масаласи қўйиладиган бўлса, у ҳолда ўрганилаётган жараёnlар қандай омиллар асосида юзага келганини ҳамда назариянинг тўғрилигини қандай кузатишлар ва тажрибалар ёрдамида тасдиқланганлигини уларга тушунтириш керак бўлади.

Маълумки, ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган мутахассис кадрлар тайёрлаш олий таълим муассасалари олдида турган долзарб масалалардан ҳисобланади. Ёшларга таълим ва тарбия беришнинг мураккаб вазифаларини ҳал этиш ўқитувчиларнинг ғоявий эътиқодига, касб маҳоратига, истеъоди ва маданиятига, ҳозирги замон педагогик ва ахборот технологияларни қўллаши, талабаларни ўзаро фаолликка олиб келишига боғлиқдир.

Талабанинг ўзлаштиришида мустақил ўкув фаолияти асосий роль ўйнайди. Талаба ўзининг мустақил ўкув фаолиятида маъруза ва амалий (лаборатория) машғулотларидан олган билимларини мустаҳкамлайди, кенгайтиради, чукурлаштиради, тушунчалар ёки уларнинг хоссаларини умумлаштиради ёки хусусийлаштиради, олинган билимларини амалиётга –масала ёки муаммоларни ечишда кўллади, кўйилган муаммони ҳал қилиш йўлларини мустақил излайди ва ечиш усулларидан энг мақбулини, самаралисини танлайди, келгуси маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларига тайёргарлик кўради [2].

Мустақил фаолиятнинг асоси-ўқитувчи томонидан шакллантирилиши, талабани мустақил фаолият олиб боришига етакловчи, ундовчи зарур шарт-

шароит ва имкониятлар яратилиши, талабанинг бу фаолиятида фаол иштрокини таъминлаш керак бўлади.

Умуман, талабаларнинг мустақил ўқув фаолияти қайси дарс туридаги ўқув материалини ўзлаштиришига қаратилган бўлишидан қатъий назар, у учун мустақил иш топшириқлари (ва ишланмалар) тавсия этилади. Бундай топшириқлар шундай тузилиши керакки, у талабани фаолият турларини тўлақонли ва сифатли амалга оширишлари учун асос бўлиб хизмат қилсин.

Мустақил ишлар дидактик мақсади, вазифаси, мураккаблик даражаси ва кимга мўлжалланганлигига қараб бир-биридан фарқ қиласди. Танланган мавзуларнинг илмийлиги, тизимлилиги, ўқув материалларининг қизиқарлилиги, амалиёт билан боғлиқлиги, фанлараро алоқадорлиги, шунингдек, бериладиган мустақил ишлар ва топшириқларнинг ижодий характерга эгалиги жуда мухимdir [2].

Мустақил ишлар ва топшириқларни тузишда аудиториянинг ҳолатини, яъни талабаларнинг қайси таълим йўналишида таҳсил олаётганликларини, улардаги мавжуд билимлар мажмуасини ҳамда талабаларнинг ўртacha ўзлаштириш кўрсаткичларини ҳисобга олиш зарур.

Талабалардаги мавжуд билимлар мажмуи мустақил ўқув фаолияти учун тузилган топшириқларни бажаришга етарли бўлиши керак, яъни ўқитувчи дарс турларида топшириқларни бажариш учун зарур бўлган маълумотлар манбалари билан талабаларни таъминлаган бўлиши керак. Мустақил иш ва топшириқлар қўйидаги талабларга жавоб бериши керак:

-мавзунинг мақсад ва вазифалари бўйича маърузада берилган барча маълумотлар (тушунчалар ва ғоялар)ни ўз ичига тўла қамраб олиши ва ундаги услубларни қўллашни тақазо этиши;

-мавзунинг назарий ва амалий қисми бўйича таянч тушунчалар ҳамда асосий ғояни очиб бериш учун хизмат қилувчи хоссалар ва усулларни қўллашга бағишлиган бўлиши;

-мавзудаги тушунча, ғоя услуг ва натижаларни аввал ўрганилган мавзулардаги (аввалги таълим тизимларида) тушунча, ғоя, услуг ва натижалар билан боғланишини таъминлаши;

-топшириқлар савияси жиҳатидан ҳар хил имкониятли талабалар учун етарли микдорда бўлиши.

Таълимнинг мақсади-гурухда талабаларнинг 100% ўзлаштиришларига эришиш. Фаннинг айрим бўлимлари ёки мавзулари бўйича ўтказилган назорат турларининг умумий натижасига кўра йиғиши мумкин бўлган максимал баллнинг 56%-100% қисмини тўплаган талабалар фаннинг шу бўлим ёки мавзулари бўйича ўзлаштирган ҳисобланадилар [2].

Мустақил ишлар ва топшириқларни тузишда талабаларнинг ана шу турли хил имкониятларига эга эканликларини ҳисобга олиш талабаларнинг мустақил фаолиятларини самарали шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қиласди. Шунинг учун мавзулар бўйича топшириқлар бир неча мураккабликда тузилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Қуйида умумий электротехника фанидан уч хил мураккабликда мустақил иш топшириқларини тузиш бўйича тавсиялар келтирилган:

1-тур топшириқлари дарсларда берилган таъриф ва хоссалардан бевосита фойдаланган ҳолда бажариладиган бўлиши лозим. Бундай топшириқлар энг содда, элементар топшириқларни намуналар асосида бажаришни тақазо қиласди. Масалан: Соддароқ электр занжирни номаълум катталикларини амалий машғулотлар вақтида ўрганган усувлар ёрдамида аниқлаш.

2-тур топшириқлари маълум бир мавзуни ёритишда керак бўлган ғоялар ва усувлардан фойдалана билишига асосланган бўлиши керак. Бундай топшириқлар масала ёки муаммони ечишда улардан амалий фойдаланишни талаб қиласди. Масалан: Мураккаброқ электр занжирни ихтиёрий усуlda ҳисоблаш. Бундай занжирларни ҳисоблашда амалий ва маъруза машғулотларида олинган билимларга таянган ҳолда олиб бориш тавсия этилади.

3-тур топшириқларни бажаришда талаба масалани ҳал қилиш йўлларини мустақил излайди. Бундай масалаларни ҳал қилишда талаба қўшимча адабиётлардан ва интернет тармоқларидан фойдаланади. Масалан: Нисбатан мураккаб бўлган электр занжирни ихтиёрий усулда ҳисоблаш. Бундай занжирларни ҳисоблашда амалий ва маъруза машғулотларида олинган билимлар камлик қилгани сабабли, талabalарга қўшимча адабиётлардан ва интернет тармоғидан фойдаланиш тавсия этилади.

Мустақил ўкув фаолиятида талаба бутунлай эркин бўлиши лозим. У ўзининг қизиқишидан, имкониятларидан, ҳохишидан келиб чиқиб мустақил ишларни бажариш вақтини, шаклини, усулини воситаларини ва топшириқларнинг турларини ўзи танлайди. Масалан, 1-тур топшириқларни гуруҳдаги барча талabalар бажара олиши керак. 3-тур топшириқларни эса ҳамма бажариши шарт эмас, бу босқич топшириқларни бажара оладиган талabalар гуруҳдаги энг қобилиятли, билимли талabalар бўлади [3].

Бундай топшириқлар ўргатувчи-баҳоловчи топшириқлар бўлади ва уларнинг бажарилиши ҳар бир талабанинг мавзу материаллари бўйича ўзлаштириш даражасини ўзи ҳамда ўқитувчи томонидан баҳолаш имкониятини беради:

Факат 1-тур топшириқларнигина бажарган талаба “қоникарли” баҳога лойиқ 55-70 балл оладилар. 1 ва 2-тур топшириқларнигина бажарган талabalар “яхши” баҳога лойиқ 71-85 балл оладилар. Ҳар учта босқич топшириқларни тўла бажарган талabalар “аъло” баҳога лойиқ 86-100 балл оладилар.

Юқоридаги барча тур топшириқларидан ташқари, 3-тур топшириқларини бажара оладиган талabalар нафакат “аъло” баҳога лойиқ бўладилар, балки улар гуруҳнинг иқтидорли талabalари ҳисобланиб, ўқитувчи келгусида бу талabalарнинг қобилиятини, иқтидорини бир мақсадга йўналтириб, билимларини такомиллаштириш, чуқурлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиши керак [3].

Бундан ташқари, ҳар хил мураккабликдаги топшириқлар ўргатувчи бўлгани боис ҳар бир топшириқлар мураккаблик даражаси бўйича қатъий

тартибланган, яъни соддадан мураккаблик даражаси бўйича қатъий тартибланган, яъни соддадан мураккабга томон тузилган бўлиши лозим. Бундай топшириқларни тузиш ўқитувчидан кўпроқ вақт, қунт, сабр-тоқат, ҳафсала, етарлича билим, тажриба, малака, бир сўз билан айтганда юксак педагогик маҳорат талаб қиласди.

Агар билим мустақил англанган, хис этилган, қийинчиликларга дуч келиб ўрганилган бўлса, унда бу билим тўла ва чуқур ўзлаштирилган бўлади. Буларнинг бари ўрганилаётган фанга маъсулиятли, ўқув фаолиятига кўникма, иш фаолиятини режалаштиришда вақтдан унумли фойдаланишга, ўз-ўзини назорат қилишга, хатоларни тузатишга ва ҳоказоларга ҳам боғлиқ бўлади. Талаба томонидан доимий ақлий фаолият билан шуғулланиш-ақлий фаолиятга эҳтиёжни ривожлантиради ва талабаларни вақтни тежаб-саралаб ишлатишга ўргатади. Бу билан бўлажак мутахассисларнинг мустақил ўқув фаолиятларини ривожлантириш, ўқув ва илмий ишларнинг муштараклигини таъминлаш, талабаларни илмий-тадқиқот ишларига жалб қилиш, шулар асосида етук мутахассис тайёрлаш сифатини оширишга эришиш мумкин бўлади [4].

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДИБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:**

1. Ганс-Дитер Хопфнер. Ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими тизимида мустақил ўрганишнинг аҳамияти. КҲҚ лари учун ўқув қўлланма. Ўзбекистон-Швецария “Касбий кўникмаларни ривожлантириш” лойиҳаси. Тошкент, 2009 йил.

2. Нажмиддинова Ҳ. Талабаларнинг мустақил ўқув фаолиятида ўзлаштириш самарадорлигига эришиш. Таълим муаммолари. 2009 йил, 2-сон.

3. Отамирзаев О. У., Зокирова Д. Н., Вахобова С. К. Методические рекомендации по организации самостоятельной работы студентов. //International Scientific Journal.-2016-№4.

4. Отамирзаев О. У., Зокирова Д. Н., Вахобова С. К. Использование интерактивных методов при преподавании электротехники. //Science Time. – 2016. – №. 2 (26).